

Шерободда А.Навоий таваллудининг 582 йиллиги ҳамда З.М.Бобур таваллудининг 540 йиллиги нишонланди



Туман ҳокимлиги, маънавият ва маърифат бўлинмаси, 8-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби, маданият бўлими ҳамда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Сурхондарё вилояти Шеробод туман Ихтисослаштирилган мактаби ҳамкорлигида ўтказилган маънавий кеча ҳам Навоий ҳамда Бобур хотирасига бағишланди.

Кечада Навоий ҳамда Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна кўринишлари намоиш этилди. Тадбир мазмунли ўтди, ўқувчиларда илиқ таассурот қолдирди.